Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 25 OKTABR ◆ PAYSHANBA ◆ № 126 (26.828)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 октябрь куни Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари Кензо Ошимани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмон билан Ўзбекистон заминида учрашиб турганидан мамнуният билдириб, Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишдек хайрли миссиясида унга муваффақият тилади.

— Биз терроргa қарши бошланган халқаро кампанияни қўллаб-қувватлаган ҳолда, айни пайтда Афғонистонда гуманитар ҳалокат юзага келаётганини ҳам яхши англаймиз, — деди Ислом Каримов. — Шу важдан БМТнинг оғир аҳволда қолган афғон халқига ёрдам кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳам тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Президентимиз Ўзбекистон билан БМТ уруш туфайли неча йиллардан бери жабр чекаётган Афғонистон аҳолисига мурувват кўрсатиш борасида ҳамкорлик бўйича катта тажриба тўплаганини, бу эса ташкилот кўзлаётган инсонпарварлик миссияларини муваффақиятли амалга оширишда қўл келишини таъкидлади.

Кензо Ошима Афғонистонга энг кўп инсонпарварлик ёрдами кўрсатаётган давлатлардан бири — Япония фуқаросидир. Учрашувда Президент Ислом Каримов бу ҳолга алоҳида эътибор қаратди.

— Сизни Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантираётган Япония вакили сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Меҳмон самимий қабул учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Ўз миссиясининг муваффақиятли кечишида Ўзбекистон ҳукуматининг ҳамжиҳатлиги алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Афғонистонда юзага келаётган гуманитар ҳалокатнинг таъсирини имкон қадар камайтириш, минтақада тинчлик-осойишталик ва ижтимоий барқарорликни сақлаш ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА)

✧✧✧

Суратда: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

МУНОСИБ ҒАЛАБА

Бокуда бокс бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигида юртимиз терма жамоаси вакиллари муваффақиятли иштирок этишди. Илк бор ўтказилган мазкур турнирда жаҳоннинг 21 давлатидан ташриф буюрган ёш чарм қўлқоп усталари баҳслашди. Мусобақага пухта ҳозирлик кўрган вакилларимиз кескин ва муросасиз жангларда нималарга қодир эканликларини намойиш этишди. Жумладан, 51 кг. вазн тоифасида Б. Султонов ва 81 кг. вазн тоифасида А. Раҳмоновлар биринчи, 45 кг. вазн тоифасида эса К. Қосимов иккинчи ўринларни эгаллашди. Шунингдек, И. Расулов ва И. Соатовлар учинчи ўринга муносиб кўрилди.

— Умуман олганда боксчиларимизнинг ушбу ғалабалари чакки эмас, — дейди делегация раҳбари Муҳаммадали Каромов. — Негаки, улар умумжамоа ҳисобида Россия, Озарбойжон, Украина давлатларидан кейин мўртинчи ўринни қўлга киритишди.

■ **Матназар ЭЛМУРОДОВ**

ТАДБИРКОР ВА ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунчиликни такомиллаштириш муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва манфаатдор ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Анжуманда ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида, аввало, муайян мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш ва барча ижтимоий муносабатларни қонун билан тартибга солиш масалалари устувор аҳамият касб этиши таъкидланди. Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг қонунчилик асоси барпо этилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир.

Айни чоғда соҳадаги ислоҳотларнинг маромини бу борадаги ишларни янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Шу боис, бугунги кунда вазирликда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган барча қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни қайтадан кўриб чиқиш учун тузилган 19 та ишчи гуруҳи қизғин фаолият олиб боряпти. Улар таркибидаги малакали мутахассислар тадбиркорлик фаолиятига доир қонун ҳужжатларини амалда қўллаш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқади. Тегишли таҳлиллар асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади ва қонун ҳужжатларида учраган камчиликлар ҳамда зиддиятларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар тайёрланади.

Анжуманда тадбиркорларнинг манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан тўланадиган солиқлар, тадбиркорларга банк хизмати кўрсатишда берилаётган имтиёзлар ва прокурор назорати билан боғлиқ мавзуларда маърузалар тингланди.

ЖУРНАЛИСТЛАР МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида АҚШнинг ОАВ вакиллари билан бўлажак журналист-талабалар ўртасида мулоқот бўлиб ўтди. Унда «Financial times» газетасининг Марказий Осиё бўйича махсус мухбири Давид Тети, «Los Angeles Times» газетаси мухбири Ричард Паддок ҳамда «National Pablic» радиосининг махсус мухбири Лоранс Шитслар қатнашиб, журналистларнинг жаҳон саҳнасидаги ўрни, бугунги журналистнинг вазифалари хусусида сўзлаб беришди. Талабаларнинг инглиз тилида бемалол мулоқотга киришиши, савол-жавоблари меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Учрашув сўнггида университет ректори Жамолиддин Бўронов хорижлик журналистларга эсдалик совғалари топширди.

■ **Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли**

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА

Ватанимни чин қалбимдан севаман, деб оғизда айтиш осон. Уни амалда исбот қилиш учун Ватан қалбда яшамоғи даркор. Ҳеч бир инсон ўзига ёмонликни раво кўрмайди. Нью-Йорк ва Вашингтондаги фожиали воқеалар террор бутун инсоният цивилизацияси душмани эканлигини яна бир бор исботлади.

Ўзбекистон террор ва диний экстремизмга қарши кураш жаҳон ҳамжамиятининг биргаликдаги вазифаси эканлигини, хавф-хатарнинг ўсиб бораётганини такрор-такрор эслатиб, халқаро терроризмга қарши кураш марказини тузиш ғоясини катта минбарларга олиб чиққан эди. Ушбу ташаббусларга ўз вақтида жавоб бўлганида эди, дунёнинг кўп минтақаларидаги айбсиз халқлар қўпорувчилик жабрини тортмаган бўларди.

Президентимиз АҚШдаги қўпорувчилик ҳаракати бўйича Баёнот эълон қилдилар. Баёнотда илгари сурилган инсонпарварлик ғоясини бизлар қўллаб-қувватлаймиз. Ҳақиқатда ҳам терроргa қарши соғлом кучлар ҳамжиҳат бўлиши керак. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам бу масалага ўз муносабатини билдириб келмоқда. Шунингдек, Ватанимиз барқарорлиги ва хавфсизлиги учун ҳар биримиз ҳушёр туришимиз шарт.

Ўз ватанини севган ҳар бир инсон дунёнинг қайси бурчагида яшашидан қатъи назар инсонпарварлик ғояларини қўллаб-қувватлаши зарур, деб ўйлайман.

■ **Олланиёз УТАНИЁЗОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Нукус туманидаги «Саховат» деҳқон-фермер хўжалиги раиси**

ЧЕТДА ТУРИШ МУМКИН ЭМАС

«Тоштўқимачи» акциядорлик жамияти мажлислар залида «Терроризм — тараққиёт душмани» мавзуида ХДП аъзоларининг очиқ партия мажлиси бўлиб ўтди.

Акциядорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти котиби У. Султонова Президентнинг оқилона сиёсати, Ўзбекистоннинг мавқеи, барқарорлик, огоҳлик тўғрисида мулоҳаза билдирди.

Терроризм халқаро тус олган, ёвузликни маълум кучлар қўллаётган бир пайтда четда туриш мумкин эмаслиги таъкидланди.

Тинчлик ва хотиржамликни қадрлаш ҳақида тўқувчи Д. Қосимова, назоратчи Н.Житкова ва бўлим бошлиғи ўринбосари Ж. Тўйчиев, безакчи рассом М. Жаматовалар ҳам гапирдилар. Давлат мукофоти соҳиби, тўқувчи Л.Дадабоева ўз сўзини қуйидагича якунлади: «Менинг ўғлим чегарада хизмат қилади. У менинг ва Ватанимизнинг тинчлигини қўриқлайди. Мен бу билан фахрланаман».

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Л. Гуломов сўзга чиқиб, мамлакатимиз қудратини ошириш, ҳар кунги меҳнат, тинчлик учун курашнинг асосий шартларидан бири эканлигини таъкидлади. Бу партия ташкилотлари ва аъзоларидан ишимиз унумини ошириш ҳамда фаолликни тақозо этади.

■ **Галина КАРИМОВА, ЎзХДП Яккасарой туман кенгаши маслаҳатчиси**

ХАЛҚ ИЧИГА КИРИБ

Тинчлик бебаҳо неъмат, тинчлик мислсиз қудратдир. У биздан келгуси авлодларга қоладиган энг олий меросдир. Бугун бутун дунё халқлари тинчлик учун курашмоқ ниятида бел боғлаб турибди.

Бугун бутун жаҳон аҳли халқаро терроризмга қарши қаҳру ғазаб билан яшамоқда. Бу масалага ҳукуматимизнинг муносабати Юртбошимизнинг 5 октябрь куни эълон қилинган Баёнотида ўз ифодасини топган.

Куни кеча Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги «Астрабод» маҳалла гузарида «Абай», «Роҳат» ва «Зилола» маҳаллаларининг вакиллари тўпланди. Бектемир туман ички ишлар бўлими бошлиғи Тошпўлат Раҳимов йиғилганларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Баёноти ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг Юртбошимиз билан қилган суҳбатини ўқиб эшиттирди. Шунингдек, у туманда паспорт режимини қатъий жорий қилиш, ҳаёт маромини таъминловчи иншоотларни қўриқлашни кучайтириш, бозорлардаги тартиб-қоидаларни назорат қилиш борасида ички ишлар бўлими ходимлари томонидан қилинаётган чора-тадбирлар хусусида йиғилганларга ҳисобот берди.

Учрашув сўнгида маҳалла фаоллари юқоридаги масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг: «Ҳушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим», — деган гаплари тадбир қатнашчиларининг юрагига муҳрланиб қолди.

■ **Замира ЭГАМБЕРДИЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ИРМОҚЛАРДА ҲАЁТ СУВИ



■ **Абдулғани ЖУМА олган сурат**

BU DUNYONING ISHLARI

ХРОНИКА

МОЗОРИ ШАРИФ УЧУН ЖАНГ

Хабар бериб ўтганимиздек, АҚШнинг аксилтеррорчилик ҳарбий ҳаракатида Британия қўшинларининг ўрни борасида музокаралар кетаётган эди. Би-Би-Си узатаётган маълумотларга кўра, бу борада аниқ бир қарорга, яъни Британия қўшинлари Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларда Қироллик денгиз пиёдаларидан иборат 600 га яқин ва яна махсус гуруҳдан иборат 400 га яқин жангчилар билан қатнашишига келишилган. Айни пайтда ушбу гуруҳ Форс кўрфази яқинида жанговар машғулотлар билан банд.

Бош вазир Тони Блэр агар Британия жангчилари Афғонистонга киришса, жанглар тафсилоти, хусусан, ўз қўшинларидаги йўқотишларни жамоатчиликдан яширмасликка сўз берган.

Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар кўлами эса кенгайиб бормоқда. Ўтказилган бомбардимонлардан сўнг «Ал-Қаида» гуруҳининг тўққизта ҳарбий лагерлари, шунингдек, толибонларнинг 24 га яқин ҳарбий объектлари яксон қилинган. АҚШ ҳаво зарбалари уюштирилишида толиблар томонидан ҳеч қандай қаршилик намоён этилмаётгани террорчилардаги ҳаво зарбаларига қарши қуроллар яксон этилган, деган мушоҳадага ҳам олиб боради.

Бундан ташқари, АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари нишонни кўпроқ Кобул атрофига йўналтиришмоқда. Маълумотларга кўра, биринчи марта толиблар ва Шимолий альянс қўшинлари яқин турган ҳудуд бомбардимон қилинган ва бомба Шимолий қўшинлар чегарасига тушган. Аммо бу бомбадан Шимолий қўшинлар қандай талофат кўргани ҳақида маълумот йўқ.

Шунингдек, Мозори Шариф шаҳри учун бораётган жангларда ҳам АҚШ ҳарбийларининг фаол иштироки кутилмоқда. Би-Би-Си маълумотига кўра, Мозори Шарифда асосан араблардан ташкил топган 10 минг кишилик кучли ёлланма гарнизон жойлашган. Шунга қарамасдан Шимолий қўшинларнинг Мозори Шариф учун олиб бораётган жанглари тобора шиддатли тус олмоқда. Ҳатто Шимолий қўшинларнинг Мозори Шарифга ёриб киргани ва кейинчалик толибларнинг қаршиликлари боис чекинишгани ҳақида маълумотлар ҳам бор. Кечаги бомбардимонлар чоғида АҚШ самолётлари Мозори Шариф яқинидаги террористик базалар бўйлаб ҳам ҳаво зарбалари уюштирган.

Толибларнинг Покистондаги элчиси Абдул Салом яқиндаги бомбардимонлар чоғида Ҳиротда ҳарбий шифохона яксон қилингани ва юзга яқин кишилар ҳалок бўлгани тўғрисида баёнот берди. Кейинчалик ушбу баёнот БМТ томонидан ҳам келтирилган. АҚШ мудофаа вазирлиги вакили Виктория Кларк берган маълумотларга кўра, ҳақиқатда мўлжалга олиш тизимидаги чалкашлик боис иккита 300 кг. ва яна битта 600 кг. бомбалар мўлжалдан адашган. Бироқ қурбонлар сони толиблар элчиси кўрсатаётгандек кўп эмас.

Шунингдек, толиблар яна АҚШга тегишли иккита ҳарбий вертолётларни уриб туширганликларини айтишмоқда. Пентагон эса бу хабарни рад этмоқда.

Ҳозирча ҳарбий ҳаракатлар майдонида Мозори Шариф шаҳрини олиш учун янги ҳужум бўлиши мумкин. Ушбу ҳужум мобайнида Шимолий қўшинлар бевосита АҚШ ҳарбийлари томонидан қўллаб турилади, деган тахминлар бор. Афғонистонга ташлаш учун тайёрланаётган мингга яқин британиялик сара жангчиларнинг эса буйруқ бўлиши биланоқ мамлакатга киритилиши кутилмоқда.

СУРАТЧИНИ ҚЎЛГА ОЛИШДИ

Террорчи толибларнинг француз журналистини қўлга олишгани ҳақида хабар тарқалганди. Яқинда толиблар қўлида гаровда турган журналистлар сони яна биттага кўпайди. Япониялик фото-журналист Исаму Ииде ҳам айнан Афғонистонга ноқонуний тарзда киргани учун қўлга олинган. Ва маълумотларга кўра, ҳозир у француз журналисти билан бир жойда сақланмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:
«Ўзбекистон овози» — 220
«Голос Узбекистана» — 121

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

ҚИБРАЙДА
СУВ АРЗОНЛАШДИ

Қибрай пойтахт вилоятининг булоқбоши масканларидан саналади. Шу пайтгача туман аҳолиси сув таннархи бўйича вилоятда юқори ўринларни эгалларди. Яқинда бу ерда хайрли ишга қўл урилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини амалга ошира бориб, туман ҳокими Саидхўжа Тошхўжаев саъй-ҳаракатлари билан сувнинг нархини арзонлаштиришга эришилди. Бу ишни Тошкент «Сувсоз» трести бошлиғи Ғаффор Норматов ҳам қўллади. Натижада кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли ойига сув ва оқава учун киши бошига 504 сўм ўрнига 276 сўм тўлаш билан қифояланадиган бўлди. Бу бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ўзига хос ижтимоий ҳимоялаш йўлидаги муносиб қадамдир.

■ **Самандар МАДАМИНОВ, Қибрай «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи**

ТАШАББУСКОР ЁШЛАР

Саховатпешалик ва ташаббускорлик халқимизга хос хислат. Бу айниқса, ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутади. Узун туманидаги 2-мактаб ёшлари ўртасида ана шундай анъаналарга хос саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Гап шундаки, мактаб биноси яроқсиз ҳолга келиб қолганди.

Бултур туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими ва мактаб жамоасининг ташаббуси билан мактабни ҳашар йўли билан таъмирлашга киришилди. Устозлардан 48 нафари бир ойлик маошлари — 280 минг сўм пулни қурилишга ҳадя этишди.

Сариосиё туман кўзи ожизлар жамияти, «Узунпахта» очиқ турдаги акциядорлик жамоаси ва бошқа ҳомий ташкилотлар 700 минг сўмлик беминнат ёрдам кўрсатишди. Шундай қилиб 670 нафар ўқувчи янгиланган мактабда ўқимоқда.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ЗАМОНГА
ҲАМНАФАС БЎЛАЙЛИК

2001 йилнинг биринчи ярим йиллик якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолашга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида Президентимиз ватанимиз равнақи учун ҳаммамиз масъуллигимизни алоҳида таъкидлаганди. Зеро, ислоҳотлар ҳар бир кишининг барча ишлар учун масъулиятни чуқурроқ ҳис этишга, ҳар бир фуқаро оддий кузатувчи ва истеъмолчи бўлиб қолмасдан, жамиятимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланишини тақозо этмоқда. Шундай экан, банклар ҳамда уларнинг жамоалари замон билан ҳамнафас бўлаяптиларми? Ушбу саволга жавобни Давлат тижорат Халқ банкининг Қоракўл туман бўлими фаолиятидан изладик.

Қоракўл тумани Бухоро вилоятининг кўзга кўринган, ислоҳотлар чуқурлашиб бораётган, кичик ва ўрта бизнес ривож топаётган туманларидан бири. Кейинги уч йил ичида бу ерда Ўзбекистон—Америка ҳамкорлигида юзага келган «Қоракўлтекс» қўшма корхонаси, «Уста Алижон», «Камолиддин Беҳзод» сингари ўнлаб ишлаб чиқариш фирмалари ўз маҳсулоти сифати билан нафақат вилоят, балки мамлакат, қолаверса, хориждан харидор топмоқда. Дадил фаолият кўрсатаётган фермерлар ҳам эл-юрт тўкинлигини таъминлаш борасида ҳамманинг назарига тушаяпти. Буларнинг барчасида Халқ банки 3585-бўлими жамоасининг ҳам меҳнати борлигини инкор этиб бўлмайди. Улар Президентимиз Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини таъминлаш, банк ва мижоз ўртасидаги ишончини мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан ишлаяптилар.

— Давлатимиз раҳбари, — дейди бўлим бошқарувчиси Ғулом Панжиев, — одамларимиз, айниқса, ёшларимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун қизиқиш ва рағбат уйғотишимиз кераклигини доимо алоҳида таъкидлаб ўтадилар. Бу бежиз эмас. Президентимиз ташаббуси билан кичик ва ўрта бизнес ривожи бугун Ўзбекистонимизда иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Юртбошимизнинг кўрсатмаларини амалга оширишда барча тижорат банклари қатори Халқ банки ҳам асосий куч бўлиб хизмат қилмоғи даркор.

Дарҳақиқат, банк жамоаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишдан сўнг мазкур масалада аниқ йўналишни белгилаб олди. Бунда кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳамда хусусий тадбиркорларга молиявий ёрдам кўрсатиш, кредитлардан фойдаланиш имкониятини мустаҳкамлашга асосий урғу берилган. Бир сўз билан айтганда, ҳозир бўлим 27 та юридик ташкилотга хизмат кўрсатяпти. Шундан 5 таси савдо, ишлаб чиқариш фирмаси, 13 та фермер хўжалиги, 9 та якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркордир. «Аср — XXI», «Муҳаммад Карим» савдо ва ишлаб чиқариш фирмаларига 3800 минг сўм қисқа муддатли кредитлар берилган. Бу қарзлар асосан туман аҳолисининг саккиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотларга бўлган талабини қондиришга йўналтирилган.

Бундан ташқари, бўлим томонидан аҳолига якка тартибда уй-жой қуриш учун ҳам қарз берилмоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида бундай имкониятдан 14 фуқаро баҳраманд бўлди. Уларга 2 миллион сўм кредит сифатида тарқатилди. Шунингдек, 4 та фуқарога 750 минг сўмлик имтиёзли кредит берилган. Бу билан банклар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада уй-жой қурилишини рағбатлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга алоҳида эътибор бераётганликларини намойиш этдилар. Шу билан бирга бўлим ходимлари кредит салоҳияти ва унинг самарадорлигини таъминлашда мустаҳкам кредит ресурслари базасини яратиш борасида жамғарма ишини ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Ўтган саккиз ойда омонатларга 118026 минг сўм кирим қилинган. Омонатлар қолдиғининг йил бошига нисбатан ўсиши эса 18662 минг сўмни ташкил этади. Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишни рағбатлантириш тубдан ўзгарганлиги учун ҳам депозитларга жалб қилинган маблағ миқдори ошиб бормоқда.

Айни кунларда бўлим жамоасининг ташвишлари кўпайган. Мижозлар билан алоқани янада мустаҳкамлашга интилаётган бу ишчан жамоага «Таҳсил» кредитлари олиш истагида бўлган фуқаролар кўплаб мурожаат қилмоқдалар.

— Неварам олийгоҳга ўқишга кирди. Буни қарангки, Президентимиз ёшларга ғамхўрлик қилиб, қарз бериш ҳақида Фармон чиқарди, — дейди Раҳимбердиев номли ширкат хўжалигида яшовчи Даврон ота Холлиев, — банк ходимлари ҳамма ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашишди. Раҳмат, кам бўлишмасин!

Бундай илиқ сўзни туман марказида яшовчи Дилшода Нуриддинова ва бошқа бир қанча мижозлардан ҳам эшитдик. Ҳа, бўлим жамоаси кам таъминланган оилаларга ажратилган моддий ёрдам пуллари, 2-16 ёшгача бўлган болаларга бериладиган нафақаларни ҳам кечиктирмай эгаларига етказиб бермоқдалар. Ўнга яқин шаҳобчаларда мижозларга яратилган шарт-шароитлар, фойдали бурчаклар уларнинг замонга ҳамнафасликларидан дарак бериб турибди.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ТИЛ — ДИЛ КЎЗГУСИ

Тил — бу тарих. У миллатнинг рамзи, халқ руҳий оламининг кўзгусидир. Пировардида тил жамиятга хизмат қилиб, жамиятнинг ижтимоий ҳаётидаги ҳодиса ва ўзгаришларни акс эттирувчи мўъжизадир. Бу мўъжизанинг соф ва янада тараққий этишини таъминлаш эса ҳар бир ватанпарварнинг иши.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинганлигининг 12 йиллигига бағишлаб «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда касаба уюшмаси ҳамкорликда «Тилга эътибор — элга эътибор» деб номланган танлов ўтказди. Танловда бирлашманинг халқ эҳтиёжи моллари ишлаб чиқариш ва марказий лабораториясида меҳнат қилаётган русийзабон ишчи-хизматчилар иштирок этдилар.

Тадбирдан кўзда тутилган мақсад бирлашма ёшларининг ижодий фаоллигини ошириш, ўзбек тилини ҳамда миллий урф-одатларни ўрганиш ва тарғиб қилишдир. Танловда иштирокчиларнинг илмий-техникавий сўзларни нечоғли билишига, маржима салоҳиятига ва «Давлат тили ҳақида»ги Қонун моддаларини билиш даражасига эътибор қаратилди. Шунингдек, «Оналар ва болалар» йилига бағишланган мавзуларда кичик саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Голиблик марказий лабораториянинг «Дугоналар» гуруҳига насиб этди. Голибларга «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳамда Навоий шаҳар ҳокимлигининг эсдалик совғалари ва дипломлари топширилди.

■ **Ўткир ПЎЛАТ**

«ОБУНА — 2002»

ТАНЛАШ ИМКОНИМИЗ БОР

Ҳар куни рўзномалар дўконидан янги газеталарни харид қиламан. «Ўзбекистон овози», «Оила ва жамият»ни ўқишни канда қилмайман. Баъзида: «уй бекалари, оддий қишлоқ аёллари газета ўқимай қўйишди ёки «аёлларнинг газета ўқишга вақти йўқ», деган фикрларни эшитиб, очиғи, бироз ранжийман.

Аввало, аёл кишининг китоб, газетани кўп ўқиши оилада, бола тарбиясида асқотади. Қолаверса, бугуннинг болалари саводхонликда онасиниям шошириб қўяди-да. Шунданам шу нашрни яна танладим, газетага обуна бўлдим.

Мана, йигирма йилдирки мен «Ўзбекистон овози»ни ўқийман. Илм-маърифат, одоб, жиноий ишлар, дунёда содир бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиш ҳамма учун ҳам фойдали. Мен ҳам уй бекасиман, болалар тарбияси, уй-рўзғор юмушларини рўкач қилиб китоб, газета ўқимай, «дунёдан бехабар» қолиш келажакда фарзандларимизнинг маънавий дунёсига таъсир этишини айтмоқчиман.

Муштарий сифатида баъзи мулоҳазаларимни ҳам билдирмоқчиман. Яширишнинг ҳожати йўқ, баъзан нашрлар фақат олди-қочди, артистларнинг ҳаёти ёки улар билан суҳбатларни беради. Балки буям керакдир. Лекин меъёри бор-да. Газета бизга энг яқин маслаҳатчи, кўмакчи бўлсин. Рости, шундай олди-қочди «ўқишли» нашрлар биз муштарийлар ҳафсаласини пир қиляпти.

Яхшиямки, обуна учун танлаш имконимиз бор. Газетанинг янги сонларида ахлоқий, оилавий тарбиявий аҳамиятли мавзулар кўпроқ чоп этилса. Айниқса, жиноий ишлар, жиноятга қўл урган ёшлар ҳақида кўпроқ ёритилса. Ёмон ишга қўл ураётган ёшларнинг кўзи очилса, мулоҳаза қилиб кўрса, фойдадан холи бўлмасди.

■ **Жамоат СОЛИҲОВА, Косон шаҳри**

■ Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Шу кунларда Сирдарё туманидаги «Шоликор» ширкат хўжалигида шоли ўрими қизғин давом этяпти. Мавжуд 1049 гектар майдоннинг 600 гектаридан ҳосил ўриб олинди. Ўримда 12 та «Кейс», 5 та «Енисей» ва Япониянинг «Ямвар» комбайнларидан унумли фойдаланилмоқда.

✧✧✧

***Суратларда:** 1. Бўлим бошқарувчиси Йўлдош Пирманов (ўртада) ишчилар билан. 2. Бу йилги ҳосил чўғи.*

ШИФОКОР ОГОҲЛАНТИРАДИ

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТДАН САҚЛАНИНГ

Ўлкамизда айни куз фасли. Бу мавсум ўзининг қатор ижобий хислатлари-ю тўкин-сочинлиги қатори юқумли касалликлар, хусусан, вирусли гепатит — сариқ касаллигининг кўпайиши билан ажралиб туради.

Вирусли гепатитлар кўпгина мамлакатларда, шу жумладан, бизнинг республикамизда ҳам соғлиқни сақлаш ходимларининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Касалликнинг аҳоли ўртасида тез тарқалиши, айниқса, болалар, боғча ва мактаб ёшидагиларга кўпроқ юқиши, қолаверса, вирусли гепатит дардига чалиниш омилларининг хилма-хиллиги ташвишлидир.

Бу дард аҳоли саломатлиги ва халқ хўжалигига моддий, маънавий ва иқтисодий зарар келтириши табиий. Бугунги кунда Тошкент ва республикамизда эпидемиологик вазият нисбатан барқарор. Аммо хотиржамликка ўрин йўқ. Боиси, касалликнинг кўпайиши октябрь, ноябрь ойларига тўғри келади. Шунинг учун бу даврда барча чора-тадбирларни қилишимиз, беморни вақтида аниқлаб, юқтиришнинг олдини олиш тадбирларини қўллаш жоиз.

Ҳозирги даврда касалликнинг бир неча турлари аниқланган. Улар ўзаро клиник, эпидемиологик ва этиологик хусусиятлари билан фарқланади. Илмий-амалий кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, республикамизда юқумли гепатитларнинг 5 хили бўлиб, булардан «А» ва «Е» тури оғиз, ифлосланган сув, озиқ-овқатлар, ифлос қўллар орқали юқса, «В», «С», «Д» гепатитлари эса қон орқали — жароҳатланган тери ва шиллиқ қаватлар орқали юқиши мумкин.

Боғча ва мактаб ёшидаги болалар орасида сариқнинг «А» тури кўпроқ учрайди. Касаллик юққан болаларда касталик рўёбга чиқмасдан 10-15 кун аввал уларда бошқаларни дардга чалинтириш хавфи пайдо бўлади. Чунки хаста танадан кўплаб вируслар ташқи муҳитга чиқади. Кўп ҳолларда касаллик тўсатдан бошланиб, тана ҳарорати кўтарилади, бўғимларда оғриқ пайдо бўлади. Бош оғриши ва иштаҳанинг йўқолиши кузатилади. Баъзи болаларда қоринда оғриқ пайдо бўлиши, кўнгил айниши мумкин. Бу ҳолат 3-4 кун давом этади. Кейин тана ҳарорати пасайиб, иштаҳа пайдо бўлиб, боланинг аҳволи бирмунча енгиллашади. Ушбу ҳолат сариқлик даври бошланганидан дарак беради. Бунда тери ва кўз оқининг сарғайиши, пешобнинг тўқроқ тусланиши, нажаснинг оқариши кузатилади. Лекин, баъзан хасталикни енгил, сарғаймасдан ўтиш ҳоллари ҳам учрайди.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам беморлар шифохонада, мутахассислар назоратида даволаниши лозим. Беморга осойишта кун тартиби ва парҳез таомлар тайинланади. Хасталикнинг ривожига, турига нисбатан, касаллик белгилари асосида ўт ҳайдовчи дамламалар, ҳар хил доридармонлар берилади. Сўзсиз даволашдан кўра унинг олдини олган маъқул. «А» хасталикларининг олдини олишда асосий омиллар болаларни тоза ичимлик суви билан етарли миқдорда таъминлаш, шахсий ораталикка риоя қилиш, мактаб ва боғчаларда зарурий шароитлардан иборат. Бунда фақат тиббиёт ходимлари олиб борадиган тадбирлар етарли бўлмайди. Жамоатчиликнинг фаоллиги ҳам муҳимдир.

Беморларда касаллик аломатлари бошланганда дарҳол шифокорга мурожаат қилиш, зудлик билан шифохонага ётқизиш лозим. Касаллик тарқалмаслиги учун бемор яшаб турган уй дезинфекция қилинади, у билан мулоқотда бўлган кишилар 35 кун давомида тиббий назорат остига олинадилар.

Ҳар бир киши озода, саранжон-саришта бўлиши, уй-рўзғор буюмларини, идиш-товоқ ва кўрпа-тўшакларни тоза тутиши, пашшаларни йўқотиши, ахлат ва чиқиндиларни тегишли жойларга тўплаб, зарарсизлантириши керак. Фақат қайнатилган сув ичиш, ҳавзаларни ифлослантирмаслик дарднинг олдини олишда самарали чоралардан саналади. Яхшиси, касаллик кенг тарқалмаслиги учун ўқитувчи ва тарбиячилар синфларда болаларнинг соғлигини суриштириб (тана ҳарорати, иштаҳа пастлиги, ҳолсизлик) турсалар мақсадга мувофиқдир.

Педагоглар тиббий ходимлар билан биргаликда мактаб ошхонасини, синфларни, қўл ювиш жиҳозларини кўздан кечириши ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш устидан назорат кучайтириши лозим. Қайнатилган сув ичишни ташкиллаштириш, санитария қоидаларига риоя қилиш, боғчаларда эса дезинфекция режимига амал қилиб, ота-оналар билан суҳбатлар ўтказиш керак.

■ **Омон МИРТАЗАЕВ, Республика Саломатлик институти директори, профессор**

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

ЧАЙЛАДА
ЯШАЁТГАН ШАҲАРЛИК

Шу йилнинг 28 апрелидан 29 апрелига ўтар кечаси пойтахтимизнинг А. Икромов туманидаги «Шарқ гули» маҳалласига қарашли Н. Хўжаев кўчаси, 30-уйда яшовчи Муҳаммадсобит Асқархўжаев оиласи бошига мусибат тушди. Тун ярмида электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнғин чиқиб, оиланинг бор-буди кулга айланди.Саросимада қолган уй эгалари жон ҳолатда кўчага отилди. Тез орада етиб келган ўт ўчириш туруҳлари ҳам бутун ҳовлини қоплаган алангани базўр тўхтатиб қолишди. Лекин... уйдаги бор жиҳозлар, кийим-кечагу кўрпа-тўшак тилсиз ёвнинг ўлжасига айланиб бўлганди.

9 нафар бошпанасиз қолган кишиларга маҳалла аҳли нажот бўлди. Қўни-қўшни бошпана берди. Бироқ ўзбекда «Ўз уйим — ўлан тўшагим» деган нақл бор. М. Асқархўжаев А. Икромов туман ҳокимлигига вақтинча уй ва моддий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Лекин ҳокимликдан бирон киши келиб оила аҳволи билан қизиқмади. Шундан сўнг М. Асқархўжаев Тошкент шаҳар ҳокими номига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Орадан 5-6 кун ўтгач, Тошкент шаҳар уй-жойларни ҳисобға олиш ва тақсимлаш бошқармаси бошлиғи Марат Мусаев имзоси билан А. Икромов туман ҳокимининг қарори илова қилинган ҳолда хат келди. Унда шундай дейилади:

«... Бошқарма бўшаган фонддан Раҳимбобоев кўчаси, 64-уй 33-хонадонни вақтинчалик яшаш учун ажратади...»

Муҳаммадсобит ака ва унинг оиласи яшашга вақтинча уй берилганидан кўнгли бироз таскин топиб, 2 хоналик уйга (кул босган ҳовлида чайла қуриб яшагандан кўра) кўчиб ўтишга, уйни секин-аста шаҳар, туман ҳокимлиги, маҳалла ва саховатпеша инсонлар ёрдамида тиклаб олишни ният қилди ва ўша куниёқ кўрсатилган манзилга йўл олди. Бироқ ажратилган уйда бошқа бир оила яшаётганини кўриб, «бошимизга кулфат тушиб, бор-будимиздан айрилган кезда устимиздан кулганлари нимаси», дея ортга қайтишиб, ҳовли ўртасига яна чайла тикладилар.

М. Асқархўжаев оиласининг бугунги шароити билан қизиқдик. 9 жоннинг ҳовли ўртасидаги юпун чайлада қисиниб кун кечираётганини кўриб, тўғриси ачиндик. Ростини айтганда, топгани томоғидан ортмайдиган бу оилага ёрдам бериш — савоб. Ўтган 6 ой мобайнида ҳокимият вакилларининг озгина бўлсин ёрдам қўлини чўзмаслиги кишини ўйлантиради. Буёғи эшик қоқиб қиш келиб турибди...

■ **Толибжон ТЎРАҚУЛОВ**

✧✧✧

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар



Таҳририятдан: Ушбу масала бўйича таҳририят ўз фото-мухбирини юборди. Аҳвол эса сиз кўриб тургандай...

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИДА
ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Ўзбекистон — Исроил «GRACE International Limited» қўшма корхонаси мамлакатимиз истеъмол бозорига янги маҳсулот — «Aplovit»ни чиқарди. Бу ўзига хос озиқ-овқат қўшимчаси, турли мамлакатлар диетолог олимларининг кўп йиллик биргаликдаги тадқиқотларининг натижасидир. Калорияси паст мазкур озиқ-овқат қўшимчаси вазнни камайтириш, организмни тозалаш, ёшартириш, соғломлаштириш ва хушбичим бўлиш учун мўлжалланган. Зеро, унинг таркиби тропик ўсимликлар ва денгизда ўсадиган кўкатлардан олинган табиий бирикмалардан иборат.

Қўшимча таркибидаги ўсимликлар толалари инсон организмидаги токсинларни боғлаш ва чиқариб ташлаш, ичак фаолиятини ҳамда ҳазмни яхшилаш хусусиятига эга. Бундан ташқари, улар намни ўзига тортиши ҳисобига ҳажмни ошириб, ошқозонни тўлдиради. Натижада қорин тўйганлиги ҳисси пайдо бўлади, бу эса иштаҳа йўқолишига кўмаклашади. Кўриниб турибдики, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат қўшимчаси саломатликка хизмат қилади. Чунончи, янги маҳсулот тақдимотида қатнашган россиялик шифокор Яков Брандт бунинг ёрқин тасдиғидир. Россия телевидениесининг «Рецептсиз» кўрсатуви олиб борувчиси «Aplovit»ни тўрт ойдан бери истеъмол қилиб келяпти. — Натижаси ёмон эмас, — деб таъкидлади Яков Брандт. — Шу вақт мобайнида 28 килограммга оздим. Озишни, саломатлигини яхшилашни истаган ҳар бир кишига «Aplovit»ни тавсия этаман.

■ **Алишер РЎЗИЕВ**

ЖАҲОН ТЎЛҚИНЛАРИДА ЎЗБЕК ОВОЗИ

«Би-Би-Си» қисқартмаси «Британиянинг эфирга узатиш бирлашмаси» деган маънони билдиради. Дунёдаги йирик халқаро ва ички радиостанциялардан бири бўлмиш бу эфир хизмати идорасидан ҳар куни қирқдан ортиқ тилдаги эшиттиришлар берилади, уларни Ер куррасидаги 130 миллиондан ортиқ киши тинглайди. Би-Би-Си эшиттиришлари сиёсату иқтисодни, фан-техникаю экология, маданият ва санъат, спорт, мусиқа — бир сўз билан айтганда инсон ҳаётининг турли қирраларини қамраб олган. Бу хабарларни ўз вақтида етказиш учун минглаб мухбирлар туну кун хизматда бўладилар. Би-Би-Си эшиттиришлари фактларнинг аниқ ва эркин фикрга асосланиши билан тингловчиларни ўзига жалб қилади. Шу боисдан ҳам унинг тингловчилари тобора ошиб бормоқда.

1994 йилдан бошлаб Би-Би-Сида ўзбек тилида ҳам эшиттиришлар берила бошланди. Бир кечакундузда бир соат мобайнида ўзбек тингловчилари учун жаҳон янгиликлари, Марказий Осиё ва Ўзбекистон ҳаётидан олинган энг янги хабарлар етказиб берилади. Бу эшиттиришларни тайёрлашда Би-Би-Си ходимлари расмий манбалар билан бир қаторда республикамизнинг йирик давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, ёзувчилар, журналистларнинг фикрларига ҳам асосланадилар. Ўзбек тилида бериладиган кундалик хабарлар билан бир қаторда «Соғлом турмуш тарзи», «Асрнома», «Тошкент вақти» ва бошқа тематик эшиттиришлар ҳам тингловчиларга манзур бўлмоқда. Би-Би-Сининг ўзбек тилидаги эшиттиришларини тайёрловчи журналистларнинг аксарияти Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тугатишган.

Мен Би-Би-Сида бўлган пайтимда журналист Тошкент билан боғланиб, Ўзбекистонда пахта-йиғим теримининг бу йилги якунлари борасида мутахассислардан интервью олаётган экан. Уларнинг суҳбати бу йилги об-ҳаво қийинчиликлари, пахта ҳосилдорлигини келгуси йилда янада ошириш масалалари ҳақида борарди. Қаранг, Ўзбекистон пахтаси хусусида Лондонда ҳам ташвиш чекиляпти-я. Иккинчи бир ходима эса «Асрнома» рукни учун бир тарихчи олим билан суҳбатлашарди.

Умуман олганда, Би-Би-Си ўзбек хизматининг ташкил этилиши республикамиз радио тингловчилари учун катта қулайликлар яратди, информация манбалари яна ҳам кенгайди. Эндиликда ҳар куни ҳаво тўлқинларида бошқа тиллар қаторида ўзбек овози ҳам янграяпти. Бу билан фахрланса арзийди!

■ **Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ**



АРМИЯ ҚУРОЛСИЗЛАНМОҚДА

Британиянинг ўз ҳудудидаги иштирокига ашаддий қаршилик қилиб келаётган Ирландия Республика армияси қуролларни топшириш ихтиёри билан чиқди. Бу ташаббус дарҳол Тони Блэр томонидан муносиб баҳоланди. Буюк Британия бош вазири бу ҳудудда тинчлик жараёни бошланганини ва тез орада Шимолий Ирландия ҳукумати ўз ишини тиклашини эътироф этган.

Ҳозирча қандай қуроллар ва қанча миқдорда топширилиши ҳақида аниқ маълумот йўқ. Республика армиясининг талабига кўра, ушбу жараён алоҳида комиссия иштирокида амалга оширилиши лозим.

ЕР АЙЛАНАВЕРАДИ...



XVIII асрда дунё аҳолиси 1 миллиардга етганида кўп одамлар курраи замин ўз ўқи атрофидан чиқиб кетади дея ташвишга тушганлиги рост. Аммо бугунга келиб инсоният сони олти миллиарддан ошиб кетса ҳамки, ер ўз ўқи атрофида мудом айланмоқда. Жаҳон аҳолишунос олимларининг ҳисоб-китобига қараганда, янги аср ўрталарига қадар аҳоли сони шиддат билан ўсиши кутилади.

XX асрда инсоният икки маротаба жаҳон урушини бошдан кечирган бўлса-да, охирги 40 йилликда кўплаб ривожланаётган давлатлар аҳолининг кўпайишини тартибга солиш ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бу давр мобайнида аҳоли йилига 80 миллионга кўпайиб борди. Айнан мана шу асрга келиб миллат тушунчаси дунё халқлари ўртасида муҳимроқ ўрин эгаллай бошлади. Ҳатто давлатлар миллат номини ола бошлади.

1987 йили бутун дунёда аҳоли сони 5 миллиард бўлса, 1999 йилга келиб бу кўрсаткич 6 миллиардга етди. Оқибатда жаҳон ишчи кучи бозорига миллион-миллион янги ишчилар келиб қўшилди. Айни пайтда ишсизлик масаласи муаммога айланиб, ишсизлар ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлиб қолдилар.

1950 йилда аҳоли сони 2,8 миллиард бўлса, 1998 йилга келиб бу кўрсаткич 5,9 миллиардга етди. Агар вазият шундай кечадиган бўлса, 2050 йилга бориб бу кўрсаткич 9,4 миллиардни ташкил қилиши мумкин. Тахминий кузатишларга кўра, 2010 йилга қадар жаҳон ишчи бозорига 700 миллион янги ишчи келиб қўшилади. Агар давлатлар янги авлодни ўз вақтида иш билан таъминлаб улгурса, жаҳон иқтисодиётида мисли кўрилмаган юксалиш содир бўлиши мумкин. Яна шуниси ҳам борки, янги авлодни тарбиялаш учун янги-янги мактаблар, касалхоналар, фабрика ва заводлар қуришга тўғри келади.

Яна маълумот ўрнида айтиш мумкинки, ҳозир 15-24 ёшда бўлган ёш ўғил-қизлар 1,5 миллиарддан ортиқроқ. Аммо ҳали ривожланишнинг қуйи босқичларида бўлган давлатлар, жумладан, Африка қитъасида ёш авлодга етарлича эътибор берилмаяпти. Тиббий хизматнинг пастлиги бу ўлкаларда болалар ўлимининг кўпайишига олиб келмоқда.

■ **Хорижий манбалар асосида тайёрланди**

ЎЛИМГА ҲУКМ ЭТИЛДИ

Хитой суди мамлакат жамоатчилик хавфсизлиги вазири ўринбосари Ли Цзичжоуни пора олганлиги учун ўлим жазосига ҳукм қилди. Вазир ўринбосари Сьямин шаҳрида юз берган контрабанда операцияларидаги иштироки учун ушбу жазога лойиқ, деб топилган. Олдин мазкур шикоят бўйича жиноий гуруҳнинг 7 аъзоси ўлимга ҳукм этилганди. Ли ушбу жиноятга ҳукумат томонидан контрабандага қарши умуммиллий компания раҳбари этиб тайинланган вақтда аралашган.

Ҳозирча жазо ижроси икки йил муддатга кечиктирилган.

«МАРС ОДИССИ — 2001» ҚИЗИЛ САЙЁРАДА

Американинг сайёраларо станцияси «Марс одисси — 2001» 460 миллион километр масофани босиб ўтиб, Қизил сайёра орбитасига кирди. Бу ҳақда NASA маълумот беради. Станция ўтган йили 7 апрелда учирилган эди.

Экспедициянинг асосий мақсади сайёра сатҳини ўрганиш, сув излаш, радиация миқдорини аниқлашдан иборат.



МИЛЛАТЛАРАРО МАСАЛА



Грузия ва Арманистон президентлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда асосан миллий масалалар муҳокама этилди. Хусусан, Эдуард Шеварднадзенинг: «Арман билан жанжаллашаётган грузин Грузиянинг душмани, грузин билан жанжаллашаётган арман Арманистоннинг душмани», деган фикри учрашув мақсади ҳақида аниқ тасаввур беради.

НОМАЪЛУМ ҲАРБИЙЛАР ХУНРЕЗЛИГИ

Рейтер агентлигининг хабар беришича, Нигерияда даҳшатли хунрезлик содир бўлган. Деҳқонларга ҳарбий кийимдаги номаълум кишилар томонидан уюштирилган бу хунрезлик оқибатида 100 га яқин киши ҳалок бўлган.

Олдин фалокат содир бўлган туманга тартиб-интизомни ушлаб туриш мақсадида 19 та ҳарбий юборилган. Ҳарбийлар маҳаллий посбонлар томонидан калтакланган. Хунрезликнинг келиб чиқиши шундан бўлиши керак, дея тахмин қилинмоқда. Бироқ Нигерия мудофаасининг расмийлари бу хунрезликларга ҳарбийларнинг алоқаси борлигини рад этмоқда.

Хуллас, ҳозиргача бу борада аниқлик берувчи бирор тафсилот йўқ. Тахминлар эса бу ҳарбийларнинг маҳаллий посбонлардан қасд олиш эвазига уюштираётган ҳаракатлари эканлигини кўрсатади. Ҳарбийлар ўз сафдошлари калтакланган жой яқинидаги учта қишлоқ аҳолисини ўққа тутишган, сўнг мурдаларни ёқиб юборишган, дея хабар берилади.

РАД ЖАВОБИНИ БЕРДИ

ФИФА раҳбарияти Эрон футбол федерациясининг норозилигига рад жавобини берди. Бинобарин, Эрон терма жамоаси жаҳон чемпионати саралаш учрашувида Баҳрайн майдонида 1:3 ҳисобида ютқазиб қўйганди. Эрон вакиллари ўз рақибларини саралаш учрашувида қатнашиши ман этилган ўйинчиларни майдонга туширганликда айблашди. Бироқ ФИФА-нинг ўтган душанба куни берган баёнотига кўра, интизомий қўмита текшириш ўтказган. Ушбу текширувга биноан Баҳрайн терма жамоаси устозлари ҳеч қандай хатога йўл қўймаган. Шу боис ҳам Эрон терма жамоаси тўғридан-тўғри жаҳон чемпионатига йўлланма олишдан маҳрум бўлди. Энди эронликлар БАА жамоаси билан учрашув ўтказадилар. Ушбу ўйин ғолиби эса жаҳон чемпионатига ягона йўлланма учун Ирландия терма жамоаси билан беллашади.

ТАЙСОН ДАНИЯ «КЕКС»ИНИ «ЕБ ЮБОРДИ»

Америкалик машҳур боксчи Майк Тайсон Европага навбатдаги сафарини уюштирди. Бу сафар 36 ёшли даниялик Браян Нильсен унинг зарбаларига дош бера олмади. Дания пойтахти Копенгагендаги «Паркен Стадиум» стадионида минбарларни тўлдириб ўтирган 25 минг томошабин кўз олдида Тайсон рақибини 6-раундда мағлубиятга учратди. Адолат юзасидан айтиш керакки, Майк Нильсенни енгиш учун анчагина вақт сарф қилди. Бу Тайсоннинг Европага қилган учинчи муваффақиятли сафаридир. У биринчи марта 2000 йилнинг январь ойида Англиянинг Манчестер шаҳрида Жулиус Фрэнсисни нокаутга учратганди.



Ўша йилнинг июль ойида эса Лу Саварезени ҳам мағлубиятга учратди. Энди Тайсон Европани фақат жанг майдони сифатида қабул қилишни истамаяпти. Унинг нияти Европада узоқ вақт қолиш.

Энди у 17 ноябрь куни бўлиб ўтадиган Раҳмон — Льюис жанги ғолиби билан беллашади. Лекин бунгача Тайсон яна иккита жанг ўтказиши зарур. Норасмий маълумотларга кўра, Тайсон Копенгагендаги ғалабаси учун 13 миллион долларга эга бўлди.

ФИНАЛЧИЛАР ВА НОМЗОДЛАР

Бугунги кунгача жаҳон чемпионатида иштирок этадиган 32 жамоадан 19 таси маълум бўлди. Жанубий Корея ва Япония майдон эгаси бўлганликлари учун финалчилар сафидан жой олди. Франция терма жамоаси эса жаҳон чемпиони бўлганлиги сабабли ушбу йўлланмани аллақачон қўлга киритган. Шунингдек, Европада Англия, Дания, Испания, Италия, Польша, Португалия, Швеция, Хорватия ва Россия терма жамоалари улкан футбол анжуманига йўл олишади. Яна бир қитъа вакилларидан бешта терма жамоа — Камерун, Нигерия, Сенегал, Тунис ва ЖАР ҳам йўлланмага сазовор бўлишди. Коста-Рика ва Аргентина терма жамоалари Шимолий ва Жанубий Америка вакиллари сифатида жаҳон чемпионатида иштирок этишади. Ҳозирча бу минтақада беллашувлар давом этмоқда. Европадаги гуруҳ баҳсларида иккинчи ўринни эгаллаган қуйидаги жамоалар 10-11 ва 14-15 ноябрь кунлари жаҳон чемпионатига йўл олиш учун ўзаро баҳслашадилар: Бельгия — Чехия, Украина — Германия, Австрия ёки Исроил — Туркия, Словения — Руминия, Ирландия — Осиё минтақасининг учинчи жамоаси.

БИТТА САВДО, БИТТА FABFO...

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

Тоғлар тасбеҳининг маржон донаси саналган Деҳқонободда бўлдик.

Бизни сафарга ундаган мактуб билан танишиб, шундай фикрга келган эдим. Хатга I гуруҳ ногирони Т.Шотўраев ҳам имзо қўйган бўлса-да, уни Абдуғаффор Самаев ёзган экан. «Мен ёзганман», дейди у. Олий маълумотли мактаб ўқитувчиси Абдуғаффор ака матбуотда ҳам ишлаган экан, шунинг учун «журналистман», дея изоҳ берибди.

Мактубда туман савдо хизматида юз бераётган кўплаб нуқсонлар қаламга олинган. «Тумандаги дўконларни хусусийлаштиришга раҳбарлар «пул топиш йўли» қабилида қарашди, — деб ёзади А.Самаев. — Туман матлубот жамияти ҳисобидаги 500 нафарга яқин акциядор ўртасида сотувга қўйилган 41 та дўкон учун талашиш бозори қизиди ва «улоқ» раҳбарларда кетди. Яъни, матлубот жамияти раиси Ў.Рўзиев, бош ҳисобчи Н.Абраев, ҳисобчилар К.Ҳасанов, А.Менглиевлар ҳар бири биттадан-иккитадан дўконни ўзлари ва қариндошлари номига хусусий қилиб олишди. 4 та дўкон акциядор бўлмаган шахсларга сотилди. Бир умр, қарийб 20 йил савдода ишлаб келаётган акциядор Зоиров Рашид «Универмаг»ни хусусий қилиб беришни сўради. Дастлаб раис рози бўлди. Р.Зоиров «Универмаг»нинг 2000 йил 1 октябрдаги баланс нархи 798 минг сўм ўрнига матлубот жамияти ҳисоб рақамига хусусий ва кичик корхонаси ҳисобидан 825 минг сўм пул ўтказиб қўйса-да, мана неча ойдирки на пулини қайтариб олди, на «Универмаг»ни. Ў.Рўзиев «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компанияси бошқаруви қарори ва компания раиси У.Қурбоновнинг кўрсатмаларини қасддан бажармай, Р.Зоировни саргардон қилиб қўйди. Бунинг сабаби Ў.Рўзиевга «бир нарса» бермаган экан...»

Қашқадарё вилоят ҳокимининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш, савдо тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш, мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш ва рақобат бозорини шакллантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ўзига хос воқеа бўлди. Қарорга кўра, туманлардаги ҳиссадорлик жамиятлари ҳисобидаги дўконларни хусусийлаштириш тезлашди. Бу жараён Деҳқонобод туманида амалга ошяпти. Белгиланган 8 хил маҳсулот фақат хусусий фирмаларга етказиб берилмоқда. Дўконларнинг анчаси дафтарларда қайд этилган сўнгги қиймат билан, айримлари оширилган баҳода сотилади. Дўконларни сотиш давом этаяпти. Амалда бошқа туманлардаги каби Деҳқонобод савдо очиқ ҳиссадорлик жамияти ҳам қарзларини узолмай қолди.

— Биз ўз зарарimizга бўлса-да, анча паст баҳони таклиф қилдик, — дейди жамият раиси Ўсар Рўзиев. — Аммо Рашид ака кўнмади. Ҳеч ким бу ишдан бирор-бир нарса маъмо қилмаган. Бу ғирт бўҳтон.

— «Универмаг»ни ҳақиқий баҳосидан кам нархда сотиш мумкин эмас, — дейди бош ҳисобчи Нормурод Абраев.

— Нега энди? — эътироз билдиради Р.Зоиров. — 66-, 25-дўконлар ҳужжатдаги баҳода сотилди-ку?!

Хўш, «Универмаг»нинг ҳақиқий баҳоси қанча? Маълум бўлишича, туман марказида жойлашган бу бино пишиқ ғиштдан тикланган, темир-бетон плиталар ишлатилган. Илгари баҳоси 825 минг 408 сўм бўлган. Матлубот жамияти 1998 йилда банкдан кредит олаётганда, бинони 3 миллион 234 минг сўм баҳолаб, гаровга қўйган. Бу 1998 йил 25 февралда Қашқадарё вилоят бош кадастр бошқармаси тузган далолатномада ҳам қайд этилган.

Аммо «Универмаг» мудири бўлиб ишлаб турган Рашид Зоиров буни тан олмайди. Гўёки кадастр бошқармаси ҳужжатлари сохта. Яна бошқа бир ҳужжат бор. Матлубот жамиятининг сўрови билан кўчмас мулк ва сармоялар агентлиги Қашқадарё вилоят бўлинмаси «Универмаг» биноси ва жиҳозларнинг қийматини аниқлаб, 2000 йилнинг 23 апрелида 210-сонли «Хулоса» беришган. Унда бино ва жиҳозлар қиймати 3 миллион 47 минг сўмни ташкил этиши кўрсатилган. Бироқ Р.Зоировни бу хулоса ҳам қизиқтирмайди.

Умуман, Рашид Зоиров билан гаплашиш қийин экан. Гоҳ ўрнидан туриб кетади, гоҳ аллақандай ҳужжатни ўқиб кўрсатади. «Бу мухбирдан иш чиқмайди», деган гапни ҳам эшитдим. Аммо адолат ҳаммага баробар. Рашид Зоиров эса қонун ва мавжуд тартибларни писанд қилмайди. Ҳали олди-сотди ҳақида қарор ва шартнома бўлмасдан туриб, ўзига тегишли кичик корхонадан жамият ҳисобига пул кўчириши ҳам шундан далолат бериб турибди.

Бундай можаронинг юзага келишида савдо ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари ҳам бевосита айбдорлар. Биринчидан, мавжуд асосий воситаларни нархлаш, қайта нархлаш ҳужжатлари ўз вақтида юритилмаган. Иккинчидан, хусусийлаштиришда жиддий хатоларга йўл қўйилган. Назаримда, энг одил йўл «Универмаг»ни кимошди савдоси орқали сотишдир. Мулкнинг қийматини пасайтириш, кимгадир «имтиёз» бериш қонунга зид ҳисобланади.

Абдуғаффор Самаевнинг хатида кўтарилган бошқа масалаларда эса жон бор. Негаки, хусусий савдо фирмаларига қарашли дўконларда ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари устига нарх қўйиб сотилганлиги бир неча бор аниқланган. Шикоятларнинг кўпайиб бораётганлиги адолат мезони бузилаётганидан эмасмикан?!

Айрим амалдорлардан куйиб шикоят ёзаётганларни тушунса бўлади. Аммо ҳамма нарсани ҳақиқат деб ёзаётган, кўп ташкилотларни ишдан қўяётган шикоятчилар фаолиятига танқидий муносабатда бўлмоқ лозим. Олайлик, юқорида ўрганилган хатда айрим жўяли мулоҳазаларни ҳисобга олмаганда, мулкни ўз баҳосида сотиб олиш ўрнига, ҳамманинг бошини гаранг қилаётган савдо ходими манфаати асоссиз ҳимоя қилинмоқда. Мақсад «ёзғир» орқали кимларнидир чўчитиш, савдо дўконини арзонга олиш. Ваҳоланки, бу масаланинг ҳалол ва адолатли ечими туманнинг ўзида.

Мен мақолага нуқта қўяётганимда, Қашқадарё вилоят телевидениесининг кўрсатувига кўзим тушди. Яна «Универмаг» «савдоси», яна камера қаршисида Рашид Зоиров... Боши қотган мухбир синглимиз ҳам бир хулосага келолмади.

Хўш, чеки борми бу можаронинг?!

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ

КУРАШЛАРДА ҚАЛБИ ҚОЯДЕК...

Сувrати ва сийрати гўзал Саида Зуннунова одамжон эди. Шеърларимни ҳилватда, сукунатда ўқиган кишининг дардларига малҳам бўлсам, дер эди. Унинг шафтолининг гулидай нафис, тиниқ шуъла бергувчи юзлари ботиний қудратидан, поклигидан дарак берарди. Кенг, битта ҳам чизиқ тушмаган пешонасига тақдир не машаққатлар ёзган бўлса, мардонавор кўтарган, ўз эътиқоди, садоқати, ҳаётий аъмолларида қоядай мустаҳкам турган шоира эди.

Саидахон опа билан суҳбатлар, гурунглар жонимизни иситар, унинг беғубор чеҳрасидан таралган нур бизни мафтун этарди.

Бағоят сокинлик, ғоят камтаринлик ва ниҳоятда ростсўзлик бу шиканста овозли кўркам шоиранинг зийнати эди, кўз ўнгимизда шу фазилатлари билан Саидахон опамиз юксалиб турарди.

Балки курашларда қоядек қалбим
Бир совуқ нигоҳдан эгилганидан.
Балки севишню ва севилишни
Юксак одамийлик деб билганимдан.
Бахтингни эшитсам, бахтиёрдекман,
Ғамингни эшитсам, гуноҳкордекман.

Саидахон опанинг шеърларига Инсон дарди, севинчлари, юрак ғалаёнлари қудрат ва жозиба бахш этади. Саидахон опа шеърни ёд ўқирдилар. «Руҳ билан суҳбат»дан, «Қўшниларим» достонидан, «Лирик нутқ»дан ўқиганларида дунё сукунатга чўмарди. Шоиранинг ширали, дилкаш овози шеърхонни сеҳрларди, олис хаёл йўлларига олиб кетарди, инсоф ва диёнатдан сабоқ берарди у мухлисларига. Дардкаш шоира эдилар бизнинг Саидахон опамиз.

Эсимда, у кишининг 50 йиллик тўйларини ўтказиш учун Самарқанд, Бухоро сафарига отландик. Самарқандга кираверишда бир чойхонада тўхтадик. Бир пиёла чой ичгунча фурсат ўтмай, 30-40 чоғлик шеърпарастлар тўпланишди. Саидахонимдан шеър ўқиб беришни сўрашди. Шоира шеърларини кетма-кет ёд ўқир, қўйиб берса, мушоира тугамаса.

Ҳақиқий шеърият мухлислари билан учрашув йўлданоқ бошланган эди.

Сўнг Самарқанд давлат университети талабалари даврасида гўзал шеърият лаҳзалари бўлди. Унутилмас олим Нуриддин Шукуров бошқарган бу шеърий анжуманда Саидахон опа илҳом ва шавқ билан шеърлар ўқир, чинакам адабиёт муҳиблари бўлган талабалар нафас олмай тинглашарди. Микрофонсиз ўқилган шеърлар юраклар шифтига урилиб жаранглар, майин, дилбар, ўйчан мисралар ёш юраклар иқлимига мусаффо, сарин шабадаларни олиб кирарди.

Дабдабалар, юбилейбозликни хуш кўрадиган раҳбарлар бу гал мафтункор шоира пешвозига чиқмаган, учрашувни ташкил этмаган бўлсалар-да, ўз шоирасини Самарқанд зиёлилари ғоят меҳр, ихлос билан тингладилар, ҳурматини сақладилар. Устоз адиб Саид Аҳмад, раҳматлик Туроб Тўла ҳамроҳлигида Каттақўрғонга бордик. Афсуски, у ерга хабар берилмаган экан. Икки соат деганда ёғ-мой корхонаси ишчилари тўпланишди. Яна шеърхонлик. Баҳсу мунозара.

— Ойдиной, мени мақтаманг. Шеърларимдан ўқиб берсангиз, хурсанд бўламан, — дердилар ийманиб бирам.

Бухорода бизни Газли зилзиласи кутиб олди. «Саросима бўлган одамларнинг кўнглига шеър сиғадими, тезроқ Тошкентга кетайлик. Нодирахон нима қилди бир ўзи?» Саидахон опа безовта бўлавердилар. Аҳаджон Ҳасанов қишлоғида бир учрашув ўтказиб Тошкентга қайтдик. Собиқ партия раҳбарларидан бирор киши ёзувчиларни кутиб олмади, учрашувларда қатнашмади, халқ севган шоиранинг ҳурматини ўз жойига қўймади.

Саида Зуннунова 50 йиллигига таклифнома муаммоси икки ой чўзилди: сурат билан беришга юқоридагилар кўнмаётган экан, дейишди. Кўп баҳслар бўлди. Ўнлаб қўшиқлари халқнинг мулкига айланган, ўнлаб ҳикоялари радиопостановкалар бўлган, драматик асарлари саҳнага қўйилган, бетакрор шоирага унвон бериш масаласи ҳам кўп чўзилганини эслайман. Ана шу 50 йиллик машмашалари нозиктаъб шоиранинг юрагига наштар бўлиб санчилмаганмиди?! Назокатли, сўзлари оташин, кўнгли эзгулик, яхшиликлар нуридан порлаб турган адиба, шоира Саида Зуннунова халқ ёзувчиси мақомига етган эди-ку!

Бутун ҳаёти, ижоди билан кўпларга ўрнак бўлган Саида Зуннунова бундай эъзоз ва ҳурматга муносиб эди. Мажлислар тўрида ўтирмаган, тинч оқар дарёдек ўтган изларида сўз чаманларини қолдирган Саида Зуннунова ҳақиқий қадрини бугун топмоқда.

Шоиранинг 70 йиллиги адабиёт байрамига айлангани эсимизда. Мана унутилмас сиймо, меҳрибон, тийнати пок, ўзи поку сўзи пок шоирамиз ҳаёт бўлганида муборак 75 йиллик умр манзилига етиб келардилар. Унингсиз кечган 25 йиллик умрнинг ҳар бир лаҳзаси қўшиқлари, сўлим шеърлари билан доим Саидахоним Зуннунова халқ ёдида, халқ меҳрида. Шоира сингилларининг бедор тунлари, орзуларида унинг ҳаётбахш сўзлари жаранглаб тургандай...

■ **Ойдин ҲОЖИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири**

«5-САҲИФА»

«АДАБ ЧЎПИ»...

Вилоятдан «Боғимусо»га юборилган нозиккина вакилнинг томоғидан сув ўтмайди. Пахта йиғимтеримида ялпи сафарбарлик эълон қилинган (гарчи далада ҳосил кўринмаса-да) айни кунда кўчада автобуслар қатнови тўхтатилган. Даъваткор шиорларга кўникиб қолган одамлар гала-гала, туман марказига шошилишади. «Газик»да папкасини қўлтиқлаб олган Зиёдулла раис эса бепарво. Пахта териш темпаси тушган бўлса-да, раиснинг мўйиғига чиқмайди. Фақат аҳён-аҳёнда сумкасини ушлаб қўяди. Вилоят раҳбаридан гап эшитаман, деб ҳам ўйламайди.

Вакилнинг моқати моқ бўлиб, ҳайдовчига машинани тўхтат деган ишорани қилди. Машинадан аввал вакил, сўнг эринибгина раис тушди. Уларни кўрган бригадир далада югурди, табелчи эса шошилмади.

— Одамлар қани, бугун ҳам кам бўладими? — вакил бригадирни сўроққа тутди. — «Катта»га ўзинг жавоб берасан, хўпми? Режани бажардик деб...

Бригадир «хўп-хўп»дан нарига ўтмаса-да, раисдан ўзини узоқроқ тутарди. Вакил эса ҳайрон. Зиёдулла раис секин одимлаб, бригадир турган ердаги ғўзапояга қаради. «Санаб кўр» дегандек полвон бригадирга ишора қилди. Полвон эшитаман, деганди қўлидаги папкаси билан унинг елкасига «оҳиста» туртди раис. Бригадир йиқилди, раис вакилга қаради:

— Бизникиларни кўп койиманг, уларнинг бир папкалик ҳоли бор, ука! Сиз айтгандек бўлар.

Кечга бориб ҳосил ўлчанди: кечагидан юз кило ортиқ. «Бўларкан-ку, қаттиқ олишим керак. Бўлмаса роса гапга қоламан-а!» Шундай ўй билан банд бўлган вакилнинг кўзи раиснинг очиқ қолган сумкасига тушди — ичида бир дона пишиқ ғишт ётарди! Бу Зиёдулла раиснинг «адаб чўпи» эди-да.

Эртасига эса вакилдан дарак бўлмади...

■ **Баҳрон ДАВРОНОВ**

ҚУТЛОВ

ИЛМУ УРФОН СОҲИБИ

Фан фидойиларидан бири — олим, ўзбек кимёсининг дарғаларидан саналмиш академик Нусрат Парпиевдир. У 1931 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Унинг илм кишиси бўлишга ноёб қобилияти болалигиданоқ ярқ этиб кўзга ташланганди. Илм истаган ёш йигит ўрта мактабни битиргач, 1948 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) кимё факультетига ўқишга кирди. Мутахассислик дипломини олгач, яна илмга интилди. У Москва давлат университети кимё факультетининг аспирантурасида ўқиб, 1958 йилда номзодлик ва 1974 йилда «Ноорганик кимё» мутахассислиги бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1984 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг кимё-технология бўлими бўйича мухбир аъзоси ва 1995 йилда ҳақиқий аъзоси (академик) қилиб сайланди. У Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг физика-кимё услубларининг тадқиқоти лабораторияси ва оралиқ металларнинг координацион бирикмалари кимёси бўйича илмий йўналишларнинг ташаббускори ва ташкилотчисидир. Академик олим 1976-1977 йиллар давомида Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш саноати илмий-тадқиқот институтининг директори, 1977-1989 йиллар давомида Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг ректори, 1992 йилдан бошлаб Тошкент давлат университетининг биринчи проректори, ЎзМУ кимё факультети «Ноорганик кимё» кафедрасининг мудири, 1994 йилдан Тошкент кимё-технология институтининг ректори бўлиб ишлади.

Академик Н. Парпиев ноорганик кимё соҳасидаги долзарб йўналиш бўлган координацион (комплекс) бирикмалар кимёси бўйича самарали меҳнат қилаётган йирик олимдир. У ва унинг раҳбарлигидаги жамоанинг илмий йўналиши – янги комплекс бирикмаларни олиш, физикавий ва кимёвий хоссаларини ўрганиш билан бирга замонавий экспериментал ва ҳисоблаш усулларини қўллаб синтез қилинган бирикмаларни амалиётга татбиқ қилиш билан боғлиқдир.

Олимнинг илмий иш натижалари хорижий ва республика миқёсидаги илмий журналларда чоп этилган 600 га яқин мақолалар, «Координацион бирикмалар кимёси» (ҳамкор), «Формамидларнинг металлар билан координацион бирикмалари» (ҳамкор) каби 7 та монография ва тўплам, 22 та муаллифлик гувоҳномалари ва 2 та патентдан иборат тадқиқотларда кенг илмий таҳлил этилган. Муаллиф ўзбек тилида ноорганик кимёдан «Анорганик кимё», «Нодир ва оралиқ металларнинг баъзи координацион бирикмалари» каби 3 та дарслик ҳам ёзди. Унинг кимё фанига қўшган хизматларини яна давом эттириш мумкин.

Одамзод ҳамиша ўзидан эзгу ишлар қолдиришга интилиб яшайди. Зеро, олим юртнинг эртаси учун қайишиб яшайди. Устознинг таҳсилини олган кўплаб ёшлар ўз йўлини топиб кетди, қобил шогирдлар таёрлади. Унинг раҳбарлигида 11 та докторлик ва 33 та номзодлик диссертациялари тайёрланди, бир қатор докторлик ва номзодлик диссертациялари якунланиш арафасида.

Ўзбек кимёшунослигида ўзининг ярашиғлиқ ўрнига эга бўлган бу камтарин инсон кўплаб кимёгар-олимлар, илмий ходимлар, ўқитувчилар тайёрлаш борасида жуда катта ишлар қилди. Бир сўз билан айтганда, академик Нусрат Парпиев ўзининг илмий ва услубий фаолиятида кимё фанида ечимини топмаётган долзарб муаммоларга доир муҳим тадқиқотларини давом эттирмоқда.

Зотан, у илму урфон соҳибидай табаррук номга сазовордир.

■ **Ҳайдарали УЗОҚОВ, тарих фанлари доктори, профессор**

СПОРТ

АРМОН ЁКИ

«ТОШОЙНА»НИНГ СИНМАЙ ҚОЛГАНИ ХУСУСИДА

Армон шуки, мухлислар олдида яна мулзам бўлдик. Армон шуки, Ўзбекистонда футболсеварлар бисёрлиги, шарт-шароитлар етарли экани, алоҳида эътибор берилаётганини амалда намойиш этолмадик. Армон шуки, бу галгидек энг қулай имкониятдан фойдаланиб, ёруғ юз билан жаҳон чемпионати финалига чиқолмадик.

Шундай, аччиқ ҳақиқатдан кечиб бўлмайди. Хўш, ниятлар мустажоб бўлиши йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмаяптими?! Шароитлар етарли эмасми?! Лаёқатли ўйинчилар йўқми?! Футболимизни ривожлантириш билан боғлиқ қарорлар эълон қилинган, уни рўёбга чиқариш учун куч берилаётган бўлса-ю, натижасидан кўнгил тўлмаса. Нега?! Назаримизда, ўзбегим футболини жаҳон андозаларига мослаш учун ҳамма иш қилиняпти. Афсуски, бизда том маънодаги ўз касб-кори билан фахрланувчи миллий футболчилар етишмаётганга ўхшайди. Биз ҳар доим Миржалол Қосимовни тилга оламиз ва ғурурланамиз. Нега энди Миржалолга ўхшаганлардан иккита ёки бешта бўлиши ҳақида ўйламаймиз?! Бош жамоамиз — Ўзбекистон миллий терма жамоаси деб аталгандан кейин нега энди уни сараланган қора кўз йигитлардан жамлаш ҳақида қайғурмаймиз?! Гапираман десак, гап кўп.

Бир нарса билан фахрлансак арзийди. Футболимизда Европа майдонларида жавлон ураётган йигитларга хос ҳаракатлар намоён эканини Осиё мутахассислари эътироф этадилар. Бу албатта биз учун ўзига хос ютуқ. Лекин, ҳамиша ҳам Европа, қолаверса, дунёвий футбол талабларига хос ҳаракатлар қилишни, ўрганишни ўрнига қўя олмаяпмиз. Мухлису шарҳчиларни бир нарса ўйлантиради. Нега энди ўша биз ҳамиша ёдга олиб юрадиган Осиё ўйинларидаги ажойиб ғалаба ҳақида кўп гапирамиз-у унинг сабабларини ўрганиш ёки таҳлил қилиш ҳақида бош қотирмаймиз? Ваҳоланки, ўшанда ҳам айрим кишилар футболчиларни Осиё ўйинларига олиб бормаймиз, ортиқча сарф-харажатларга на хожат деган гапларни қилишган экан. Лекин футбол жонкуярлари Бирodар Абдураимов билан Рустам Акрамов сўзни бир жойга қўйиб, масъулиятни бўйинларига олиб, Хиросимага йўл олишган ва у ердан зафар билан қайтишган. Энди савол туғилади. Нега энди ўша ютуқни тасодифга йўйиб, бош жамоа мураббийларига эътиборсизлик қилдик? Ваҳоланки, уларнинг ҳар иккиси ҳам шу кунда Ўзбекистон футболининг имкониятларию ютуқ-камчиликларини яхши биладилар.

Бундай қараганда «олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» қабилида иш юритилаётганга ўхшайди. Бу воқеадан кейин «Ливан — 2000» учрашувларидаги нохушликка дуч келдик. Сўнг футболимизда деярли ислоҳот ўтказилди. Футболимизни ҳар жиҳатдан ривожлантириш, савиясини ошириш, миллий чемпионатни юксак даражада уюштириш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилди. Зеро, бош жамоага мураббий тайинлашда яна ўзига хос қийинчилик юзага келди. Ҳатто, футбол федерациясида ўтказилган йиғилишлардан бирида «Олтмишинчи йиллар футболига қайтмаймиз» деган сўзлар айтилди. Тўғри, ҳамиша орқага қайтиш қораланиб келинган. Бинобарин, ҳар қандай даврда ҳам ажойиб сифатлар бўладики, биз ундан ижобий фойдалансак фақат наф келади. Шу жиҳатдан қараганда, биз юқорида таъкидлаган ўша мураббийлар — Рустам Акрамов билан Биродар Абдураимов имкониятларидан яна фойдаланиш фурсати етган. Ўйлаймизки, улар 2006 йилда ўтказилажак жаҳон чемпионатига Ўзбекистон футбол юлдузларини ҳозирлаш учун ўзларининг бор маҳоратларини ишга соладилар.

Агар Жанубий Корея ва Японияда келаси йил бошланадиган жаҳон чемпионати финалига йўлланма ололмай қолганимиз сабабларига андак тўхталадиган бўлсак, кўп ва хўп сўзлашга тўғри келади. Асосий масала шундаки, кутилмаганда бош жамоага мураббийликка лойиқ топилган Владимир Сальков ўзини кўрсата олмади ва бу ҳақда журналистлар билан учрашувда айбини тан олди. Энг қизиғи, Ўзбекистон футболининг бош жамоаси билан финалга чиқиш мумкин эди, деган гапни ҳам айтиши кўпчиликни ҳайратга солди. Демак, мураббий ўзининг имкониятларидан етарли фойдалана билмади ёки малакаси етмади. Тўғри, у биринчи босқич учрашувларини бир амаллади. Лекин иккинчи босқичда минглаб мухлисларни ҳаяжон босди. Айниқса, Хитой майдонидаги мағлубият, БАА жамоасига уч очкони «инъом» этилиши ва қолаверса, биронта ҳам ғалабага эришмаган Уммон футболчиларига имкониятнинг бой берилиши ниҳоятда қимматга тушди.

Кўриниб турибдики, биз футболимиз таркиби ҳақида кўпроқ ўйлашимиз, миллий чемпионат савиясини янада кўтаришимиз, маҳоратли ўйинчилар сафини кенгайтиришимиз зарур. Ана ўшанда бош жамоамиз янада мустаҳкамланади, унинг ўйинларида барқарорлик юзага келади ва ғалаба ҳам тез-тез мунтазам боради. Муҳими, бош жамоа ўз номи билан миллий экан, унга бошчилик қилувчилар ҳам ўзбегим авлодидан бўлиши, таркиби эса фақат қора кўзлардан жамланиши мақсадга мувофиқдир.

Тағинам мухлисларимиз сабрли ва андишали экан. Тоқатлари тоқ бўлган ҳолларда ҳам ғазабга келдилар-у, ўша машҳур миниатюрадаги каби оналаридан қолган «тошойна»ни сақлаб қолдилар...

■ **Мирзо АНВАР**

«ХАНДОНХОНА»

АЁЛЛАР НИМА ТОПГАН?

— Қизиқ, аёллар аввал эркакларнинг нимасига қизиққан?
— Қачон «аввал»?
— Айтайлик, пул яратилмасдан олдин...

ИШОНЧ

— Наҳотки, сен эрингнинг яна «балиқ овига кетдим» деган ёлғон гапига ишонсанг? Ахир у уйингга ҳеч қачон битта балиқ оп келмаган-ку?
— Ҳа, гапининг ёлғонлигига ишонаман-да.

БЕГОНА ПЎСТИН

Театр гардеробчиси ёнига келган хотин эрига пичирлаб ўшқирди:
— Жинни бўп қопсан! Овсар бўлмасанг, гардеробчи хотинга чой чақа учун 100 доллар бериб ўтирибсан-а?!
— Жонгинам, аввал эгнингдаги пўстинга бир қара!

БИТТАДАН ТОРТАМИЗ

«Сарвиқомат» салони японларнинг оғирликни тортиб, сўнг ўзи «айтадиган» тарозисини сотиб олди. Салоннинг дастлабки «сарвиқомати»ни ўлчаган тарози:
— Илтимос, тарозига биттадан чиқинг, —дея огоҳлантирди «гапирувчи» тарози.

■ **Саида САЙХУН тайёрлади**

Отделом центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг по г. Ташкенту на основании протокола общего собрания акционеров ОАО »Нон-Неъмат» от 20.08.2001 г. и приказа Управления Госкомимущества по г. Ташкенту от 27.08 2001. № 1-359 к-ПО в проспект эмиссии ОАО «Нон-Неъмат» №14-1-135/П внесены изменения и дополнения в следующем порядке:

ВСЕГО	*Гос. доля*	*Доля трудового коллектива*	*Доля свободной продажи*
100%	25%	6,1%	68,9 %
5560 штук	1390 штук	341 штук	3829 штук
2780000 сум	695000 сум	170500 сум	1914500 сум

Пакеты акций считать полностью размещенными.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси таҳририятнинг Андижон вилояти бўйича собиқ мухбири, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими

Собирҳожи ШОКАРИМОВнинг

вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2002 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш: Баҳоси сўм обуна сони; Баҳоси сўм

2002 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy OMAR o'g'li

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Sohibjon SALIMOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«Ozbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2902

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA